

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-83
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирининг
2020 йил “ 7 ” декабрдаги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Солиқлар ва солиққа тортиш”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2020 йил 30-октябрдаги 6- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов, т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев.

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули: и.ф.д., проф. Р.Нурибегов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц. М.Дехканова.

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов.

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.

“Мутахассислик фанлари” модули: академик С. Ғуломов, и.ф.д., доц. С. Худойкулов, и.ф.н., доц. Қ. Бозоров, и.ф.н., доц.Х. Қурбонов, PhD. А.Агзамов, кат. ўқит. С.Боймуродов, кат. ўқит.Ш.Бабаев

Такризчилар:

Хорижий эксперт: Хаддерсфилд университет профессори Н.Каримов, Буюк Британия и.ф.н., доц. Б.К. Тухлиев –Солиқлар ва суғурта иши кафедраси мудири, ТДИУ

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодийёт университети кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2020 йил _____ даги _____-сонли баённома).

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 31 декабрда қабул қилинган Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлар

- 3.1. Солиққа тортишнинг халқаро андозалари.
- 3.2. Солиқ маъмуриятчилиги.
- 3.3. Бюджет солиқ сиёсатининг долзарб масалалари.
- 3.4. Ўзбекистонда солиққа тортиш амалиёти.
- 3.5. Рақамли иқтисодиёт.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ҳамда “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- солиққа тортишнинг умумий, хусусий ва замонавий назарияларини;
- солиқ тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;
- солиқ тизимини таркибий тузилишини;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимини;
- солиқ тўловчилари, объекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар ҳамда улардаги ўзгариш тенденцияларини;
- солиқ маъмурчилигининг назарий ва ҳуқуқий асосларини;
- солиқ сиёсатига доир назарий ва илмий қарашларни;
- солиқ маъмурчилиги тизимини вужудга келишининг иқтисодий шарт-шароитларини;
- солиқ маъмурчилигининг замонавий усулларини;
- солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини;
- солиқ назоратининг шаклларини;
- солиқ тўловчиларга тақдим этилган интерактив хизматларни;
- солиқ тизимида қўлланилаётган дастурий маҳсулларни;
- солиқ тизимини ривожланиш тенденциялари ва олиб борилаётган ислохотларни;
- солиқ назоратининг шакллари, солиқ текширувлари турлари ва уларни ўтказиш тартибини;
- солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий амалиёт юритиш тартибларини;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа норматив ҳужжатларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмунини;
- бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини;
- солиқ сиёсати стратегияси ва тактикасини;

- хорижий мамлакатларнинг солиқ сиёсати ва солиқ тизимининг қиёсий таҳлилини;

- ривожланган ва ривожланаётган давлатларда солиқ тизимининг хусусиятларини;

- рақамли иқтисодиёт тушунчаси ва унинг аҳамиятини;

- рақамли иқтисодиётнинг институтчионал таркибини;

- рақамли иқтисодиётнинг асосий ривожланиш йўналишларини **билиши керак.**

Тингловчи:

- фойда ва даромад солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш;

- қўшилган қиймат ва акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш;

- айланмадан олинадиган солиқ, ресурс солиқлари, мол-мулк ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш;

- солиқ солишнинг содалаштирилган тартибини такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш;

- солиққа тортиладиган объект ва солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш;

- солиқ тўловчиларга тақдим этилган интерактив хизматлардан фойдаланишни таҳлил қилиш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджет даромадлари таркибидаги улушини таҳлил қилиш;

- солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораларини ишлаб чиқиш;

- солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ ҳисоботни тўлдириш ва электрон тақдим этиш;

- рақамли иқтисодиётнинг технологик асосларидан фойдаланиш;

- рақамли иқтисодиётда электрон тижорат моделларини фарқлай олиш;

рақамли иқтисодиётда молиявий технологиялар трансформацияси каби **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Тингловчи:

- солиққа тортиш механизминини қўллаш;

- юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартибини такомиллаштириш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш;

- солиққа тортиш тизимидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

- солиққа тортишга соҳасига доир қонун ҳужжатларни амалда қўллаш;

- саноат 4.0 ва унинг ривожланишини таҳлил қилиш;

- иқтисодиёт тармоқларининг рақамли трансформациясига **оид малакаларига эга бўлиши зарур.**

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати, унинг яқин истиқболдаги вазифалари ва стратегик йўналишларини ретроспектив ва перспектив баҳолаш;

- республикада солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ҳамда амалда қўллаш самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- давлат солиқ хизмати органларида фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан фойдаланиш;
- солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ ҳисоботи турлари ҳамда уларни тақдим этилиш ва солиқ тушумлари ҳисобини юритиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- саноат тармоқларининг рақамли трансформациялаш;
- Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш каби *компетенцияларга эга бўлиши зарур.*

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1.1. Кредит модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юктамаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лойиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп этириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Science тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини

лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREAM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиа интерактив ўқув-услугий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-ҳунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда суҳбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАР

3.1. Солиққа тортишнинг халқаро андозалари

Солиққа тортишнинг умумий назариялари. Солиққа тортишнинг хусусий назариялари. Солиққа тортишнинг замонавий назариялари. Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиш тизимининг ҳуқуқий асослари. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими.

Ўзбекистонда бевосита солиқларни солиқ тушумларидаги салмоғи ва қиёсий таҳлили, ўзгариш тенденциялари. Фойда солиғини тўловчилар уларнинг жами даромадлари таркиби, солиқ солиш объектлари ва базаси, солиқ имтиёзлари ва ставкалари ҳамда улардаги ўзгаришлар. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўловчилари, объекти, базаси, ставкалари ва имтиёзлар ҳамда улардаги ўзгариш тенденциялари. Жисмоний шахслар томонидан электрон тарзда декларация топшириш ва электрон декларация топширилиши билан боғлиқ замонавий дастурий маҳсуллар.

Қўшилган қиймат ва акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Иқтисодий модернизациялаш шароитида билвосита солиқларни ҳисоблаш механизмини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари.

Айланмадан олинадиган солиқ ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш, солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш истиқболлари.

Ресурс солиқлари, мол-мулк солиқлари ва ер қабридан фойдаланувчилар учун солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби ва бюджетга тўлаш муддатлари. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ҳамда ер солиғини ҳисоблаш, ҳисоб китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари.

3.2. Солиқ маъмуриятчилиги

Солиқ маъмурчилиги тизимини вужудга келишининг иқтисодий шарт-шароитлари. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилигини туган ўрни ва унинг асосий йўналишлари. Чет мамлакатларда солиқ маъмурчилигини ташкил этиш тажрибаси.

Солиқ муносабатларида солиқ маъмурчилиги субъектлари ва уларнинг функциялари. Солиқ органларини модернизациялашнинг асосий йўналишлари. Солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар турлари. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлаш муддати ва тартиби. Солиқ қарзларини ундириш ва ҳисобини юритишнинг амалдаги тартиби. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш. Солиқ мажбуриятларининг тугатилиши. Солиқ мажбуриятларини бажарилиши устидан Давлат солиқ хизмати назорати.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш. Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ ҳисоботи турлари ҳамда уларни тақдим этилиш ва солиқ тушумлари ҳисобини юритиш. Юридик ва жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисоб варақаларининг юритилиши.

Солиқ назоратининг шакллари. Солиқ текширувлари турлари ва уларни ўтказиш тартиби. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик чоралари. Молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий амалиёт юритиш тартиблари.

3.3. Бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари

Бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа норматив ҳужжатларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмуни ва моҳияти.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитидаги солиқ сиёсати. Иқтисодий ўсишни таъминлашда солиқ сиёсатининг ўрни. Ижтимоий соҳани қўллаб қувватлашда солиқ сиёсатининг ўрни. Экспортни рағбатлантиришда солиқ сиёсатининг ўрни. Инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ сиёсатининг ўрни. Эркин иқтисодий зоналарнинг шакллари ва таснифланиши. Мамлакатда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мақсади, афзалликлари ва камчиликлари. Ўзбекистонда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар ва уларда солиқ имтиёзларини қўллаш хусусиятлари.

Тадбиркорликка инвестицион иқлим ва қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни. Тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича берилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг аҳамияти. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда амал қилинадиган тамойиллар. Хорижий мамлакатларнинг солиқ сиёсати ва солиқ тизимининг қиёсий таҳлили. Алоҳида давлатларда солиққа тортишнинг хусусиятлари. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда солиқ тизимининг хусусиятлари.

3.4. Ўзбекистонда солиққа тортиш амалиёти

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси мазмун моҳияти. Ўзбекистонда солиққа тортиш амалиётида янги ҳисобот шакллари.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб варақ фактураларни электрон шаклда тўлдириш ва тақдим этиш. Кўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш, ҳисоблаб чиқиш ва ҳисоботни юритиш. Солиқ имтиёзларини қўллаш, солиқ ҳисоботни тўлдириш ва электрон тақдим этиш. Ортиқча тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш амалиёти.

Фойда солиғини тўловчилар учун жами даромадни аниқлаш. Чегириб ташланадиган ва чегириб ташланмайдиган харажатлар таркибини аниқлаш. Солиқ имтиёзлари ва чегирмаларни қўллаш, солиқ ставкаларини белгилаш, солиқ ҳисоботларини тузиш тақдим этиш амалиёти. Тадбиркорлик субъектлари учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартиби. Солиқ декларацияларини электрон тарзда тузиш ва тақдим этиш. Солиқ ҳисоботини тўлдириш ва электрон тақдим этиш амалиёти.

Ресурс солиқлари, мол-мулк солиқлари ва ер қабридан фойдаланувчилар учун солиқни тўловчилар таркиби. Солиқ солиш объектларига ва солиқни ҳисоблаш базаси. Солиқ ҳисоб-китобни тузиш ва уни электрон тизимда тақдим этиш амалиёти.

3.5. Рақамли иқтисодиёт

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланиш тенденциялари ва ҳуқуқий- норматив асослари. “Рақамли иқтисодиёт” ҳақида тушунча. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида рақамли инновацион технологияларнинг қўлланилиши. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” миллий стратегиясининг концепцияси. Рақамли иқтисодиёт 21-асрнинг инновацион технологиялари сифатида: барқарор ривожланиш йўлидаги тўсиқлар ва муаммолари. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожланиш тенденциялари ва ҳуқуқий- норматив асослари. Рақамли иқтисодиётда комплекс бир-бири тўлдирувчи технологияларнинг самарадорлиги. Рақамли иқтисодиётни комплекс инновацион технологиялари. Электрон ҳуқумат ва электрон тижорат моделлари самарадорлиги. Саноат 4.0 ва унинг ривожланиши.

IV. МАЛАКАВИЙ АТТЕСТАЦИЯ

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил

ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш кўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулоти ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиладилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказишади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи кўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

– таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

– ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулоти, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;

– талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

– олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш;

– мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модуллارни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-508-сон Қонуни
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон қонуни
10. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2014 й., 36-сон
11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. (Янги таҳрири) Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон)
12. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й.,1-сон
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрел "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрь Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4555-сон қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 март “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрель “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони қабул қилинди

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 май “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5996-сонли Фармони

26. 2020 йил –«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили» Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Куч-адолатда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси. 2020 йил 25 январь. № 3-4 (777)

Ш. Махсус адабиётлар

27. Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др.; Цифровая экономика: 2019: краткий статистический сборник / Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с
28. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
29. Гадоев Э, Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2019. - 336 б
30. Гадоев Э. ва бошқалар. Билвосита солиқлар: ҚҚС, Акциз солиғи. Ўқув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 328 бет.
31. Гадоев Э. ва бошқалар. Фойда солиғи. Ўқув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 408 б.
32. Гадоев Э. и др. Упрощённая система налогообложения. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 стр.
33. Гадоев Э.Ф. Налог на доходы физических лиц. Учебное пособие -Т.: Норма, 2011. - 312 стр.
34. Гулобод Кудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
35. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
36. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
37. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va technology», 2014. 60 б.
38. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “Академнашр”, 2011. - 472 б.
39. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
40. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
41. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
42. С.Худойкулов, Ш.Бабаев. Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт. 2019.-305 б.
43. Санакулова Б. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. -Т.: Ношир, 2012. - 236 б.
44. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

45. Ўзбекистон Солиқ тизими Мустақиллик йилларида. Расмий нашр. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2011. – 150 б.
46. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
47. Alimardanov M., Xudoyqulov S., Yusupov O., Agzamov A. Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. Darslik.-Т.: «Cho’lpon nomidagi NMIU», 2014. -218 bet.
48. Djurayeva K. Soliq tizimida dasturiy mahsullar. 2-qism “Soliq inspektorining avtomatlashtirilgan ish joyi – yuridik shaxslar” dasturiy majmuasi. O‘quv qo‘llanma. -Т.: El_press, 2013. -141 b.
49. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
50. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
51. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
52. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
53. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
54. Vahobov.A.V, Jo`rayev.A.S. Soliq va soliqqa tortish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018.-408 b.

IV. Интернет сайтлар

55. www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
56. www.edu.uz.- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
57. www.aci.uz.- Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси.
58. www.ictcouncil.gov.uz.- Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш.
59. www.bimm.uz.- Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ.
60. www.ziyonet.uz.- таълим портали.
61. www.infocom.uz.- Infocom.uz электрон журнали.
62. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
63. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
64. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
65. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
66. www.soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти.
67. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
68. www.tsue.uz – Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг сайти.

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т. Шоймардонов
“ _____ ” _____ 2020 й.
М.Ў.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____ Ф.Т.Эсанбобоев
“ _____ ” _____ 2020 й.
М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Ректор _____ К.А. Шарипов
“ _____ ” _____ 2020 й.
М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази
Директор _____ Д.А. Каримов
“ _____ ” _____ 2020 й.
М.Ў.

